



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

• № 190 (9686).

• 1989 йил 7 октябрь •

Баҳоси 5 тийин.



М. С. ГОРБАЧЕВ ЖЎНАБ КЕТДИ

ГДР раҳбариятининг тақдирига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 6 октябрь кунин Москвадан Берлинга жўнаб кетди. У Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган байрамда қатнашди.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари В. И. Воронников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов,

А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари О. Д. Бакланов, А. Н. Гиренко, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги мувафқат ишлар вакили К. — Х. Фельберг бор эди.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВ Берлинга келди

М. С. Горбачев шу кунин ГДР пойтахтига келди. Берлиндаги Шенефельд аэропортида совет раҳбарини Германия социалистик бирлашган партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Девлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер, республиканин бошқа партия ва давлат арбоблари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ГДРдаги элчиси В. И. Кочемасов бор эди.

Аэропортда тўпланган ГДР пойтахти меҳнат коллективлари ва жамоатчилигининг кўп сонли вакиллари совет раҳбарини қизгин кутладилар.

Берлиндаги тантаналарга М. С. Горбачев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети халқро бўлимининг мудирин В. М. Фалин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Г. Х. Шахназаров келдилар.

10 КУНДА 65 ФОИЗ

НОРБОЙ Ҳазратов бошлиқ 14-бригада коллектив Бўка райониндаги «Ленин йўли» колхозда бригадалар ўртасидаги ташкил этилган мусобақада пешқадамликни кўндан бермай келаяпти. Яқинда бригадага 10 кунлик яқинига кўра, колхоз кўчма қизил байроғи ҳамда илғорларни, моддий рағбатлантириш учун 100 сўм пул мукофоти топширилди.

Ҳақиқатан ҳам улар термин жадал суръатларида олиб боришмоқда. Ҳар кунин иллик планининг 7—8 проценти миқдорда хом ашё тайёрланмоқда. Шу тўғрисида ўн кунда планининг 65 фоиз миқдорда пахта топширилди. Бригада аъзолари яна икки кунда йиллик маррани эгаллашди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда асосий ҳосил машиналар ёрдамида йнгиб-териб олинмоқда. Механизатор Тожибой Болтабоев ўз машинаси бункеридан кунига 10 тоннадан ошнриб пахта тўкмоқда.

Колхознинг Ҳамид Салимов етакчилиги қилаётган 26-бригада ҳам терим уюшқоқлиги билан ташкил этилмоқда. Бу бригада аъзолари мусобақада иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлишди.

Ҳ. АСРОҚУЛОВ.



СИЗ суратда кўриб турган бу аёл Бекобод райониндаги А. Мавлонов номи совхозининг 1-бўлимида меҳнат қилади. Қишлоқ Советининг депутати Раҳима Қулдошева ҳар йили терим мавсумида барчага ўрнак бўлади. У айни вайтда кунига 110-120 килограммдан пахта термоқда Раҳима Қулдошеванин бу йилги мақсади ўз хирмонини 8 тоннага етказишдир.

Суратчи М. ҚОРАБЕКОВ.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
6 ОКТАБЕРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(павта янсабан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими — бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Пискент	6,17	57,26	7,45	57,79
Оқдўғрон	8,68	49,37	8,56	54,56
Урта Чирчиқ	7,09	46,87	8,60	55,48
Бўка	6,55	46,70	8,20	52,89
Бекобод	5,80	43,55	5,94	40,65
Коммунистик	6,37	34,65	7,84	42,47
Чиноз	4,88	33,80	5,17	21,54
Янгийўл	4,55	23,82	4,76	15,17
Ғалаба	5,78	18,54	7,10	21,64

область	6,09	40,80	7,26	42,37
бўйича:				

ҲАММАСИ ДЕҲҚОНЛАРГА

ДЕҲҚОННИНГ рўзғори тўқис, онласи тинч бўлса янада баракали меҳнат қи-

лади. Пискент районинда бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни кунларда район матлубот союзининг олтига кўчма автомагазини дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда. Матлубот союзи 400 тонна биринчи

навли ун, 70 тонна гуруч, 25 тонна қанд, шакар, 39 тонна совун ва кир ювин воситаларини фақат пахтакорларга ажратди.

Бу маҳсулотлар илгаригидек савдо шаҳобчаларининг эмас, ҳар бир колхоз ёки

совхозининг омборларига тўширилди. Навбати билан кўчма савдо магазинлари дала шийпонларида, бевосята даланнинг ўзида деҳқонларга ана шу тақчил нарсаларни савдомоқда. Айрим хўжаликларда бу маҳсулотлар

● ЧИНОЗ райониндаги Навоий номи колхозда йнги-терим уюшқоқлиги билан олиб боришмоқда. Суратларда: колхоз ҳисобчиси Мирзадин Ақромов кўпнинг килограммичи теримчилар терган пахтасини қабул қилиб олмақда; кассир Собир Оқматов колхозчига терган пахтасининг ҳақини келтириб беришди.

М. НАЗАРОВ суратга олган.



деҳқонларнинг уйларига элтиб берилмоқда.

Умуман бу йилги мавсумда дала меҳнаткашларига маданий-манший, савдо ва медицина хизматининг яхши ташкил этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.
Т. ҚОСИМОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ С И Ё С И Й Б Ю Р О С И Д А

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 4 октябрь кунин бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Марказий Комитетнинг 1989 йил сентябрь Пленуми ақуларини қўриб чиқиди. Мухоамада иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари қатнашдилар. Пленум қайта қуриш сиёсатини амалда рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим босқич бўлганлиги муҳокама чоғида қайд этилди. Бу Пленум партияни, бутун жамятини ягона ангилаиш вазибаларини амалга ошириш асосида жипслаштириш кераклигини уқтирди, фаол ҳаракатлар, амалий ишлар зарурлигини таъкидлади. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари Пленум қарорларини амалга оширишга айна шу нуқтаи назардан ендаишларни лозим.

КПССнинг навбатдаги XXVIII съездида тайёргарлик қуриш бутун партиянинг ишидир. Ҳозир съездолди даврида олға бориш, жамяят турмушининг барча соҳаларида қайта қуришни изчиллик билан олиб бориш, шу тарихи социализмнинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва мустаҳкамлаш лозим. Партия омма орасидаги ишни анча кучайтириши, ўз вазибаларини яхши удаллай олмаётган, қайта қуриш учун курашда сусткашлик қилаётган коммунистлардан партиянинг гоёвий-сиёсий бирлиги учун қаттиқ жавоб талаб қилиши керак. Социализмнинг қондалари ва кадрларига КПСС учун доимий йўл-йўриқ бўлиши лозим.

Партия съездида тайёргарлик ишларини жуда ошқора, партия ташкилотларининг, коммунистларнинг, бутун жамоатчиликнинг фикрига таяниб олиб бориш зарур. Бунинг учун ички партиявий алоқалардан, одамлар билан жонли мулоқотлардан, оммавий ахборот восителаридан фойдаланиш му-

ҳимдир. Партия ташкилотларининг партиянинг ҳозирги шариоитдаги турмуши ва фаолияти жамми муаммоларини кенг ва амалий муҳокама қилиш зарур.

Съездолди ҳужжатларини тайёрлашда ва аввало КПССнинг сиёсий ҳаракат дастурини ҳамда партиянинг янги Уставиини тайёрлашда кўпроқ ижодий иш олиб бориш, булар партиянинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини белгилашда, иш шакллари ва усулларини такомиллаштиришда олға томон муҳим кадам қўйилганидан дарак Бевурич ҳужжатлар бўлиши лозимлигини ҳисобга олиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу ҳужжатлар қайта қуриш тажрибасига таяниши ва унинг чуқурлашувини рағбатлантириши керак. Бу ишга КПСС Марказий Комитетининг комиссияларини жалб этиш мақбул деб топилди.

Сиёсий бюро Марказий Комитетнинг секретариатига КПССнинг «Ҳозирги шариоитда партиянинг миллий сиёсий ҳаракат дастури қондаларини амалга ошириш соҳасида аниқ-равшан ишлар режасини тузиб чиқишни топширди. Марказий Комитет Пленумининг тўқсатмаларига мувофиқ бутун ташкилий-сиёсий, мафкуравий ишда ва кадрлар билан олиб бориладиган ишда миллий омилни имкони борича кўпроқ таъминлаш лозим.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари асосида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиати баҳолаб, социал-иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида фаол ҳаракат қилиш, ишларнинг аҳволи учун ходимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан жамятининг ҳозирги ҳолатига ва қайта қуриш вазибаларига мос келадиган кадрлар сиёсатини

ўтказиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

М. С. Горбачевнинг партия сайлаб қўйилган марказий идорелари таркибига кирувчи бир гуруҳ иши ва колхозчилар билан учрашуви ақуларни ҳам шунга боғлиқ равишда қуриб чиқилди.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси Арманистон ССРдаги зилзила оқибатларини туғатиш ишлари қандай бораётганини муҳокама қилди. Арманистон халқининг бошига тушган кулфатга барча совет кишилари ҳамдард бўлдилар. Иттифоқдош республикалар, ўлка ва областлар меҳнаткашлари, партия ва совет идораларининг, СССР министрликлари ва идораларининг ялли куч-ғайратлари билан Арманистоннинг зилзила натижасида айрон бўлган шаҳарлари, қишлоқлари ва қороналарини қайта тиклаш учун қурилиш саноати базасини барпо этиш ишлари қилинганлиги, бу эса уларни юксак суръатлар билан қуриш имкони бераётганлиги қайд этилди.

Сиёсий бюронинг мажлисида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг уй-жойларни, ижтимоий соҳа бошқа объектларини, саноят ва қишлоқ хўжалиги қороналарини қайта тиклашга оид қарорларини бажаришдаги ҳаётий муаммони ҳал қилишда тез камчиликлар борлигига партия, совет, хўжалик органларининг, СССР министрликлари ва идораларининг эътибори қаратилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Индонезия президенти Сухарто билан суҳбати ва музокаралари натижасини маълум қилди. Совет-Индонезия учрашуви, шу учрашува чоғида эришилган едалашулар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги сифат қўрсаткичларни бахш этмакчи таъкидлаб ўтилди. Бу муносабатларни

олис истиқболни қулаб, барча жабҳалар бўйлаб янада ривожлантиришни белгилаб берадиган катта қадам қўйилди. Шу муносабат билан СССР ва Индонезия республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар асослари тўғрисида давлат бошлиқлари имзолаган баёнотнинг принципиал аҳамияти қайд этилди. М. С. Горбачев билан Сухарто ўртасидаги амалий фикрлашулар Совет Иттифоқи билан Индонезиянинг манфаатларигагина эмас, айна вақтда Оснэ-Тинч океан минтақасида ва умуман дунёда вазиати соғломлаштириш вазибаларига мос бўлиб тушадди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Франция Компартияси Бош секретари Ж. Марше билан учрашуви тўғрисидаги ахборотни қуриб чиқиб, КПСС билан ФКП ўртасидаги ананавий мулоқот янада кенгайиб, ижодий тус олаётганини, бу эса дунёда руй бераётган жараёнларга монандлигини, иккала партиянинг энг муҳим ҳалқаро масалалар хусусидаги фикрлари бир-бирига мувофиқлигига, совет-француз муносабатларини янада ривожлантиришдан манфаатдорликка таянаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Француз коммунистлари қайта қуришни яқдиллик билан қўлаб-қувватлаганликлари юксак баҳоланди, бу қўлаб-қувватлаш социализминг ангилаш, унинг халқчил бунёдкорлик имкониятларини намойиш этиш зарурлиги жуда яхши тушуниб олинганини ифодаляйди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер билан учрашуви ақуларини муҳокама қилди. Музокаралар фойдали ва амалий бўлди, СССР билан Буюк Британия ўртасида ҳалқаро сиёсат ва икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим муаммолари хусусидаги

мулоқотни илгари силжитди. Томонларнинг фикрларида бир қанча муҳим тафовутлар сақланиб қолиши билан бирга уларнинг сиёсатида Европа ва жаҳон ишларидаги ендашувларини ўзаро ҳисобга олиш тенденцияси, ўз амалий йўлини белгилашда, бу йўлнинг бошқа давлатлар ҳавфсизлиги манфаатларига зарар етказмайдиган бўлишига, халқаро муносабатларда тинч даврни вужудга келтиришга қумаклашадиган бўлишига интилиш мустаҳкамланиб бормоқда.

Буюк Британия бош министри Совет Иттифоқидаги қайта қуриш жараёнларининг ривожланишига астойдил қизиқиб қараётганини, совет жамятининг ривожлантириш эҳтиёжлари томонга этган шу жараёнлар айон вақтда Европа ва жаҳон сиёсатининг бутун жараёнига ижобий таъсир қилаётганини англаётганини қўрсатди.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва иши партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг мафкуравий масалаларга бағишлаб Берлинда ўтказилган кенгашида В. А. Медведева бошчилигидаги КПСС делегациясининг иши қуриб чиқилди ва маълумланди. Кенгаш социализм қурилишида қардош партиялар мафкуравий ишнинг энг зарур масалалари хусусида фикрлашиб олиш ва бу соҳадаги тажрибани ўртоқлашиш, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш йўлларини муҳокама қилиш, бу ишга янада кўпроқ самарадорлик бахш этиш имкониятини берди. Совет мафкуравий муассасаларига кенгаш ақуларини амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро А. Н. Яковлевнинг социалистик мамлакатлар коммунистик ва иши партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг халқаро масалаларга бағишлаб 26-28 сентябрда Варнада ўтказилган кенгаш тўғрисидаги ахборотини тинглади ва КПСС делегацияси қилган ишни маълумлади. Кенгашда келишиб олинган амалий тадбирлар ва едалашувларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда республикадаги сиёсий ва иқтисодий вазиатни барқарорлаштиришда олиёй ўқув юрталари, уларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари, педагоглар ва барча фаолларнинг роли ва ўрнини ошириш зарурлиги таъкидланди. Кенгашда республика олиёй ўқув юрталарининг ректорлари, партия комитетлари секретарлари ва бошқа раҳбарлари иштирок етдилар. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А.

Каримов нутқ сўзлади. Ҳозир мамлакат, республика бурилиш босқичини бошидан кечираётганлиги айтиб ўтилди. Танг ҳолатлар қанчалик тез бартараф этилиши ҳаммамизга, биз қандай иш олиб боришимизга боғлиқдир. Бунинг учун эса эндиликда қандай ҳаракат қилишга, етилган муаммоларни қай тарихи амалий ҳал этишга кўпроқ эътибор бериш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон турмуш даражаси жиҳатидан иттифоқдаги ўртача қўрсаткичлардан орқада қолмоқда. Бу масаланинг ҳал этилиши бир

талай тадбирларнинг амалга оширилишига боғлиқдир. Аммо барча иқтисодий ҳолатларга, республиканинг истиқболига энг аввало нуфус муаммолари нуктаи назаридан баҳо бериш зарурлигига эътиборни қаратиш лозим. Ҳозир республикада 20 миллион киши истиқомат қилмоқда. 2005—2010 йилларда аҳоли сал кам 33 миллион кишига етади, бутун Урта Осиё регионинда эса 55—60 миллиондан ошади. Шу муносабат билан бундай кўпайиб бораётган аҳолининг нормал яшаш учун уларни барча зарур нарсалар

билан қандай таъминлаймиз, деган саволлар тобора ўткир тарзда ўртага қўйилмоқда. Шунинг эътирофи этиш керакки, бу саволларга бизда ҳамон аниқ жавоб топилмаган. Илгари Сибирь дарёларининг сувини Урта Осиёга оқизиш тўғрисида ўйланган эдик ва ана шу муаммолар ҳал этилишини шу билан боғлаган эдик. Бу энг аввало бизнинг айбики — республика раҳбарларининг айбидир. Биз фақат ҳозирги кунни ўйлаб, истиқбол ҳақида ва қийин аҳволдан чиқишининг аниқ йўллари тўғрисида кам бош қотирдик.

Баъзилар одамларни бошқа жойларга кучиришни таклиф етмоқдалар. Аммо одамларни бунга мажбур этиб, уларни ўзлари туғилиб ўсган жойларидан ажратиб бўлмаслиги тушунарлиқдир. Баъзилар оилани режалаштириш зарурлиги ҳақида гапиршмоқда. Ҳовлиқма кишилар бунинг учун одадга тўғри келмайдиган ендашувлардан фойдаландилар. Лекин бунга ҳам қатъиян йўл қўйилмайди. Умуман одамларнинг маданияти ва турмуш даражасини ошириш тўғрисида, шу орқали нуфус ва миллий режалаш масалаларини ҳал этиш тўғрисида гап бориши мумкин.

Ҳозирнинг ўзидеёқ республика аҳолисининг муттасил ўсиб бораётган эҳтиёжлари

[Давоми 7-бетда].

• Бугун—СССР Конституцияси кунин •

ҚОНУНЛАРИМИЗДА

ИСТИҚБОЛНИ

КўРА БИЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 7-бобининг мавзуси қуйидаги тахрирда берилган: «Ўзбекистон ССР — СССР составидаги иттифоқдош республика». Менимча, бундай таъриф эскириб, даврга, айниқса, истиқбол талабларига жавоб бераолмайдиган бўлиб қолди. Шу му-

лоҳазадан келиб чиққан ҳолда Қомусимизнинг бу бобини қуйидаги тахрирда таърифлаш ҳар жиҳатдан мос бўлади, деб ҳисоблайман: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг суверен ҳуқуқлари». 74-моддан қуйидаги янги тахрирда бериш менинг назаримда ўринли бўлади: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси давлат ва жамоат органларида, маданият, фан, маориф ва бошқа муассасаларда ўзбек тилининг қўлланилишини таъминлайди ва уни ҳар томонлама ривожлантиришга давлат гамхўрлигини амалга оширади.

Ўзбекистон ССРда миллатлараро муомала тили сифатида рус тилининг, шунингдек, аҳоли фойдаланадиган бошқа тилларнинг қоридра келтирилган орган ва муассасаларда тенг ҳуқуқли асосда эрин қўлланилиши таъминланади.

У ёки бу тили қўлланишда бирон-бир имтиёз ёки чеклашларга йўл қўйилмайди».

109-моддан «Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раиси» сўзларини олиб ташлаш керак бўлади. Чунки, республика ҳукумати аъзоларининг давлат ҳоқимияти юқори органлари составида бўлиши мумкин эди.

К. КОМИЛОВ.

ЭЪТИРОЗЛИ ФИКРЛАР ОЗ ЭМАС

«ЎЗБЕКИСТОН ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг айрим модда ва бандларига нисбатан эътирозим бор. Хусусан, 85-моддада халқ назорати органларини тузиш ва уларнинг роли ҳақида яхши фикрлар айтинди. Бироқ қорхона, колхоз-совхозлардаги халқ назорати комитети раислари ҳақида алоҳида тўхталми. Оз бўлса ҳам уларга ойлнк маошлар белгиланса яхши бўларди. 89-модданинг учинчи сатр-босишида «Ўзбекистон ССР граждани бир вақтнинг ўзи-

да халқ депутатларининг иккитадан ортиқ Советига депутат бўлиши мумкин эмас» дейилган. Менимча бу қондадаги «иккитадан ортиқ» сўзларини «биттадан ортиқ» деб ўзгартириш лозим. 163-моддадаги сўнгги сатр бошида «Барча судларнинг судьялари ўн йил муддатга сайланади», деб ёзилган. Бироқ шу ерининг ўзида суд маслаҳатчиларининг беш йил муддатга сайланиши айтилган. Фикримча, судлар ҳам бошқа сайлаб қўйиладиган соҳаларда бўладигандек, беш йилга сайланмоғи керак.

А. ЭРГАШЕВ.

«ҲАМЗА»НИНГ УЧ ҚИЗИ

• Эркаклар аёллар ҳақида •



Бир пайлар театрнинг афишларидаги эмблемада машаа кўтарган аёл расмини кўрадим. Мен ўшанда унга унча эътибор бермаган эканман. Энди билсам бу бежиз эмас экан. Балки бу биринчи бўлиб сахнага қадам қўйгани учун қурбон бўлган Турсуноя, Нурхонлар ёки ўзбек аёли сахнага чиқиши таъқиқланганда санъат йўлидан борйишга журъат этолган рус қизи Мария Кузнецова, татар қизи Маъсумaxonим Қориевалар хотира си учундир... Ахир Х. Ҳ. Ниёзийнинг деврли ҳамма асарларида ўзбек аёлларининг фожиаки тақдирди акс этганини ким билмайди дейсиз?

Аёллар ҳамон сахнамиз тўридан ўрин олиб келишмоқда. Зеро, уларнинг жамиятимиздаги салмоқли ўрни ҳеч кимга сир эмас. Биз қозоқ драматурги О. Жаҳоновнинг пьесаси асосида «Ҳазрати аёл» спектаклини сахналашдик. Бёззилар аёллардан «ҳазрат» бўлмаган деб эътироз билдиришди. Утмишда бўлмаса бўлмаганди, аммо ҳозирги аёлларимиз мавқеи ҳар қандай ҳазратдан анча юқори деб ўз фикримизни исботлашга ҳаракат қилдик. Мазкур асар қаҳрамони Ойша катта бир заводнинг директори, оилада она. Унинг бошига қанча машаққатлар тушади. У барча ташвишларни мардонавор енгади. Уйғуннинг «Хуррият» ва «Парвоз» спектаклирида дала қаҳрамони — аёл тасвирланади. У. Умарбековнинг «Шоша, Кўёш» асари ҳам аёлларимиз ҳаётига бағишланган. Мана шу образларни яратган санъаткор аёлларнинг ўз ташвишлари йўқ дейсизми? Барча аёлларимиз каби уларнинг ҳам ўзига хос дунёқараши, пасту-белалар ҳаёт йўллари бор. Бёзи кексаларимиз ҳозирги ёшлар бекаму кўстаси ашашаяпти, дейишади. Бироқ ҳар бир даврнинг ўз муаммолари бўлади. Бугунги давримизнинг долзарб муаммоларидан бири — хотин-қизларнинг уйдаги ва ишхонадаги меҳнати нотўғри ташкил қилинган ҳамда уларга биз эркакларнинг етарли даражада эътибор берилаётганимиз билан изоҳланади. Ушбу ҳолатни театримизнинг умидли ёш актёрлари — Шоҳида, Зухра ва Сайёралар тимсолонида кўрсатиб бермоқчиман. Буларнинг уччаласи ҳам нийҳоятда иқтидорли қизлар. Қисқа муддат ичида ҳар бирининг ўзига хос ижодий бизни қувонтиради. Энг муҳими улар орзу-мақсад йўлидаги барча тўсиқларни енгиб ўтишга журъат этмоқдалар. Шоҳида Исмоилова болаликданок санъатга қизиқди. Музика чалинса ўйинга тушади, ашула айтилса жўр бўлади. Ота-она бундан қувониб, қизларининг мактаб ҳаваскорлар тўғралига қатнашиши-

га руҳсат бердилар. Аммо бир кун маҳаллада бўлиб ўтган концертда қатнашганидан сўнг Шоҳидага сахнага чиқиш ман этилди... Юракда тўқилганган завқни сундиришга ҳеч кимнинг қуч-қудрати етмас экан. Шоҳида сахнага чиқишни тарқ этишни хоҳламади, аксинча санъатга ҳаваси тобора оша борди. Шундан сўнг унинг ота-она си қизини тезроқ эрга бериб юборишга қарор қилдилар. Улар истаганда кўва ҳам топилди. Бироқ Шоҳидани турмушга чиқишга кундирилмаган ота-она «энди қиз боланинг оёқ-қўлини боғлаб эрга бериб бўлмаса», деб шаштларидан тушишди-ю, уни узлари хоҳлаган институтга олиб кириб қўймоқчи бўлишди. Ҳатто Шоҳиданинг ҳужжатлари институтга-институт юрди ҳам. Ужар қиз эса ўз билганидан қолмади. А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг актёрлик факультетига, конкурс катта бўлишига қарамай, кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтди. Табиатан кунгли юмшоқ она йиғлаб-сиқиб охири бу аҳволга кунди. Отанинг кундан-кун хунуби ошарди. Унинг назарида қизининг артист бўлиши оила шънига ҳақоратдек туюларди. Шу боисдан у киши узоқ вақт таниш-билишларга «қизим дўхтир бўлмоқчи» деб юрди. Шоҳида эса ўз орасига эришиш учун кунт ва сабот билан ўқиди. 1980 йили институтни имтизбили диплом билан тамомлаган қизини «Еш гвардия» театрига ишга юборишди. Талантли актриса тез кунда У. Хошимовнинг «Баланд дорга осилма» комедиясида Диларфруз, Ифандиёрнинг «Отасининг қизи»да Нарғиза, С. Азимовнинг «Кўзлари чўлпон» пьесасида Қалдирғоч, Ф. Усмонованинг «Сино»да Кундуз, Васильевнинг «Соккин тонглариде Гурвич образларини яратди. Мазкур ролларнинг барчаси ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шоҳида ютуқлар олдиде довидирамади. Аксинча машаққат билан меҳнат қилаверди. Қулларнинг бирида у яши ижро этган ролларини ота-онам ҳам кўрсин, деб уларни театрга тақлиф этди. Онаси келди-ю, ота ҳамон махлдан тушмасди.

Шоҳида 1981 йилда касбдоши Маҳмуджонга турмушга чиқди йиллар ўтиб, улар икки фарзандли бўлишди. Шоҳида отасининг кеңиришини жуда-жуда хоҳларди. Бу истак она бўлгандан кейин яна ҳам кучайиб борди. Шу орада нима бўлди-ю, «Отасининг қизи» спектакли телевизиор экранда кўрсатилди. Ота бу спектаклини уйда ўзиндан бошқа ҳеч ким бўлмагани учун томоше қилди. Сўнгра қизидан қандай қилиб ўз сўрашин билмай, тун билан тиканга ағанаб қийқандай кўз юммади. Саҳарлаб йўлга чиқиб, Шоҳидани уйига келди. Кўча эшикдан кираркан ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди: «Кечир қизим, мен билмаган эканман, мен нодон бир

тўйда ёш бир қизни кўргандим. У пул қистирган эркакнинг тизасида ўтирар эди. Сизларнинг санъатингиз бошқа экан...» Шу-шу ота театрге тушишни қанда қилмайдиган бўлди... Ҳамза юмли ва «Еш гвардия» театрлари коллективи ўртасидаги санъаткорлар алмашиш туйғули эр-хотин Исмомовлар академик театрга ишга ўтишди. Шоҳиданинг бу ердаги дастлабки иши — «Юлдузли тунлар» спектаклидаги Хонзода ва «Бэхтли гадолар»даги Гулжаҳон образлари бўлди. Бироқ жуда қисқа муддатда сахнага олиб чиққан бу ролларидан унинг кунгли тўлмеди. «Ҳазрати аёл» пьесасидаги Зухро ролини режиссёр Р. Ҳамидов Шоҳидага топширганида у жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Чунки мазкур ролни икки актриса юкори этиши керак эди. Борди-ю, Зухро ролни ҳам муваффақиятсиз чиқса, Шоҳиданинг бу катта дарғиде ишлаши дарғумон бўлиб қоларди. Коллектив уни ўз доғига ташлаб қўймади. Аиниксе тажрибали актёрлардан Р. Иброҳимова билан Э. Маликбоевалар ердамида тўлақонли образ юзага келди. У келгусида В. Шекспирнинг «Отелло»сидаги Дездемона ролини ижро этиш ниятида ижод қилмоқда.

Орзунинг қаноти бор дейди қалқимчи. Зухра Ашурова эса ёшлигиде артист бўлиш ҳақида ўйламаган ҳам эди. Тенгқуллари ўйинга тушишса ёки қўшиқ айташса, у бир чеккада тортиниб турарди. Уиничи синфда ўқиб юраркан, бир куни дарсдан сўнг ким қаерга ўқишга кириши ҳақида суҳбат ўтказилди. Шунда Зухра у ёқ-бу ёққа аста қараб олди-де, ўқитувчининг қулониға «театр институтга» деди. Бунини эшитган синфдошлари баралла қулиб юборишди. Ўқитувчи артистликка талант керак, деса, қизининг ораусидан хабар топган ота-она қозқишли, артист бўлса, дейишди. Хуллас, у институтга қабул ҳам қилинди. Одатда институтда биринчи йили «актёр маҳорати»дан бўладиган машғулотда этюд — воқеани сўзсиз англатиш намойиш қилинади. Зухра шу дарсдан жуда қийналарди. Шунинг учунми иккинчи курсга ўтиш олдиде ўқитувчилар уни қақириб, бошқа касбининг эстагидан тутгин, деб маслаҳат беришди. Шунда у бехиётёр «қизим артист бўлади» деб ҳар кун машинада қишлоқдан институтга олиб келиб, дарслар тугагандан сўнг яна олиб кетадиган отасини эслади. Эслади-ю, ўлсам ҳам актриса бўламан, деб аҳд қилди... Студентлар «Қутлуғ қон» пьесасини тайёрлашаркан, у гулрон образини ўзи сўраб олди. Асарни қайта-қайта ўқиди. Курс раҳбари Я. Абдуллоева шу спектаклда Гулрон ролини ижро этганини эслаб, ундан ердан сўради. Омади юришдимми ёки тинмиксиз меҳнати туйғулими, ҳар ҳолда унинг Гулнори ҳаммага, ҳатто институтга театр учун актёр танлагани келган СССР халқ артисти С. Эшонтураева-

га ҳам ёқиб қолди ва уни Ҳамза театрига ишга тақлиф этишди. Кейинги икки-уч йил ичида З. Ашурова Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сида Мастон, С. Аҳмадининг Келиллар кўзголониде Нигора, Уйғуннинг «Зебунисо»сида Нарғиз ва Ойбекнинг Қутлуғ қониде Усин ролларини томошебиларга тақдим этди. Мен ўзим у билан шахсан «Қутлуғ қониде сахнага бирга чиқер эканман, унинг маҳоратига таҳсиллар қўйман. Актрисанинг икки дунёси кенг, гоът ноъб талант эгаси деб биламан.

Қиз бола турмушга чиқиши, болача кўриши керакки, бусиз ҳаёт ҳаёт эмас. «Мен Замира Хидоятовадек кўп болали она ҳамда семикли актриса бўлишни истайман», — дейди ҳамша Сайёра Юнусова. У болаликданок хушқачқак, бир сўзли, мустиқил ҳаёт кеңириш тарафдори эди. Ҳаттоки синфидаги ўғил болалар ҳам ундан ҳайқиқиб турарди. Ота-оналар мажлисига ҳам ўзи келарди. Сайёра институтга кирган йили конкурс катта бўлишига қарамай (талантли ёшлар кўп тўпланганидан бўлса керак) кўғирчоқ театрига актёрлар тайёрлайдиган кўшимча курс ҳам очилган эди. Мана дат комиссиясида сўнг уни ўша ерга юборишган. Бир сўзли қиз эса ҳеч нарсга парво қилмасдан драматик актёрлар курсида ҳам, кўшимча курсда ҳам сессия имтиҳонларини топширарди ва ўз орзу сиға эришди. Уша қайсарлиги унда ҳозиргаче сақланган. Ҳозирда у икки фарзанднинг онаси. Ўз отасини қанда ҳам, қайотасиникида ҳам яшашга жой бор. Аммо Сайёра онаси билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли ётоқхонанинг кичик бир хонасида истикомат қилади. Лекин унинг бирор марта ҳаётдан шикоят қилганини ёки турмушдан нолиганини эшитмаганмиз. Ҳар кун болаларини боғчага олиб боради, олиб келарди. Бозорга югради, кечки ошқат тайёрлайди. Бунинг устига ижодий иш. Унинг сабр-тоқатиға қойил қолсан, киши. Яратган образлари билан эса театр репертурида салмоқли ўрин эгаллайди. Сузимнинг исботи учун «Бой ила хизматчи» ва «Зебунисо» спектаклиридаги Жамила, Зебунисо ролларини эслашиз кифоядир. Зебунисо — жуда мураккаб образ. У тарихий шахс. Шарқнинг буюк шоираси. Унинг ғазаллари дунёга машхур, босиб ўтган йили кўп кирралли, ҳазрати эса фожия... Биргина образда барча фазилатлари тасвирлаш осон эмас. Сайёра талқинидеги Зебунисода назокатининг ўзи бир дунё. Театрга қанда кўйган йиллик «Рўйхалларде йўқ» спектаклида бош ролни ижро этиб, Москва кўриғида диплом олган актриса ҳақида қанча гапирсам, шунча оз.

Томошебинлар қалбидан чуқур жой олган. Я. Абдуллоева, Р. Иброҳимова, Э. Маликбоева, О. Норбоева, Ш. Азизовлар ҳам ўзларининг ажойиб образларини осонликча яратишган. Шунини ҳам айтиш керакки, актёрлар меҳнатининг чек-чегараси йўқ. Уларини тинмай элашган ва меҳнат билан ўтказишда санъаткор хотин-қизларимизга таҳсиллар айтгим келади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.
СССР халқ артисти.

ЭРКАКЛАРГА

Аёлин сизларга эркакка таъзим. Таъзим мардона сўз — адолат учун. Аёл илтифотга ҳардам мунтазир. Таъзим лутф айлаган жасорат учун. Учмиз ширинликка азалдан-азал. Ва лекин, ширин сўз асалданам зўр. Ширин томтаганининг тили ҳам захар. Бунинг учун эркаклар, тутингиз маъзур. Ширин сўз эшитган — хечраси очин. Юраги кенг ошмон, бағри кенг олам. Саҳоват қўлларни туради очиб, Қаддини буюклас машаққат, алам. Ҳимматга интизор бўларкан аёл, Билингки, дўшалоқ — унинг қаноти. Десагиз: сен ўйин ёритган қилол. У шасга айланар ўша захоти. Аёлин сийлаган эркакка таъзим, Изхори дилдан сониса фақат. Елгондан муҳаббат этолмас ҳазм, Елгондан портлайди бир кун муҳаббат. Ишончу умднинг саробга чўкер, Уртага тушганда бир ёвуз ёлгон. Бахтининг билдирмай қочидан сўкар, Қўйининг кирганда бу ёвуз йлон. Аёлин мақтаган эркакка қўлдук, Булутни кўнгиладан этар бадарга. Бу уйда остона ҳамшиша қўтлуғ, Ҳазрати соҳибга юнлар садага. Гўлчехра ЖУРАЕВА.

Кексайган чоғида пенсияга чиқиб, невара боқатган тиниб-тинчимас онахонлар, уйдан боғчага, боғчадан ишхонага зир югуриб, аёллар учун қисқартирилган иш қўллари, ҳеч бўлмаганда иш сонлари қачон жорий қилинар экан, деб тоқати-тоқ юрган ола-сингиллар, ўн беш қуллик ойдек келинчақлар — ҳамма-ҳаммагизга асалому алайкум!

Едингизда бўлса керак, бундан уч-тўрт йил аввал газета саҳифалари орқали танишиб, анча-мунча синашга бўлиб қолган эдик. Бироқ изчиллигининг йўқлиги, эътиборсизлигини туйғули сизлар билан алоқамиз узилб қолди. Майли, ўтган ишга саловат. Бундан буён яна хизматингиздаман. Шу кунларда хизмат юзасидан шахримиздаги қорхона ва муассасаларда, олий ўқув юртларида, театрларда, маҳаллаларда, хонадонларда бўлиб, у ердаги ҳаққини ақвол билан яқиндан танишмоқданан. Орасталик ва тозалликка алоҳида эътибор бераёлман. Кунин кеча шахримизнинг



Ақмал Икромов райони, Беш-қайрағоч массивидаги Атоний кўчасига бориб келдим, дег. Войбўй, сизга ёлгон менга чин, айтганим билан барибир ишонмайсиз. Шу кўчада жойлашган 21-номери тўрт қаватли турар-жой биносининг атрофи турли ахлат чиқиндилари билан тўлиб-тошиб ётди. Аввалига «таваб, бу уйда яшовчилар уйдан чиққан ахлатни тўғри келган ерга тўлиб кетишавараркан-да. Эҳтимол, бу кўчага ахлат машинаси келмаса керак» деган ҳаёлга бордим.

— Қаёқда, ўзини шу уйда яшаб туриб, атрофимизни ахлат билан тўлдирармидик, — дейди 18-квартирада истиқо-

дорихона, 123-мактаб ва озик-овқат маҳсулотлари билан сандоқ қиладиган магазиннинг ёверига ҳам ахлат уйиб ташланган.

Холанинг кўчиб айтган гапларида жон бор. Бундай но-ахш аҳолини фақат шу территорияда яшовчилар ташаббуси билан баргараф этиш мумкин, холос. Дейлик, чиқиндиларни эрталаб ахлат ташувчи машинага олиб чиқсак; кечқурун эса белгиланган ерга тўқсан, олам гулистон.

Атоний кўчасининг 22-, 23-, 24-турар-жой биналарида, котежеларда ва шу атрофдаги маҳаллаларда яшовчи ола-сингилларим! Маҳалланинг, кўчанинг, хонадоннинг орасталиги, шинем бўлиши бизларга боғлиқ. Келинг, инсоф ўзимизга берсин. Уз уйим, ўз ҳовлим тоза бўлса бўлди, деб дуч келган ерга ахлат ағдариб кетавермайлик. Фарзандларимизга ҳам шунини ўргатайлик.

Орастаконнинг айтганларини оққа кўчүрүвчи
Г. ЙҮЛДОШЕВА.

Социал масалалар бўлимида Инсон ва қонун

Савдо ташкилотлари раҳбарлари билан суҳбатлашди. Улар қозғоларни олиб, мана шаклар, қанд сотиш бўйича рақамлар, ҳаммаси етарли, киши бошига норма бўйича шунчадан тарқатяпмиз дейишди. Лекин бу харид моллари ҳамон камчил бўлиб қолмоқда. Сифатли моллар, чет элда ишлаб чиқарилган махсулотларни беркитиб сотиш, кўпайса кўпаяптики, камеймаяпти. Ҳа, тўғридан-тўғри омондорларда, магазинларда беркитиб сотилмоқда, Кимлардир чў бўлмас эмис, бу бўлмас эмис деб шов-шувлар тарқатади. Йилга икки қоп гуруч, уч қоп ун оладиган баъзи оилалар ун, гуручин уйларига ун-ун беш қоплаб сотиб олаётилар, айримлари машиналаб тушириб олмақдалар. Сунъий камчиликлар ҳосил қилиш кимларгадир зарур бўлаяпти, шекилли. Айрим савдо ходимлари бундан манфаватдорлар десак ҳато бўлмас. Биз магазин зшигидан кирганларнинг бўш пештахталарни фақат томоша қилиб, орқа зшикдан кирганларнинг кўйин-кўнжи тўлиб-тошиб чиқишларини кўп кўрганмиз. Албатта, бундай зътирозни айтгандан кейин аниқ мисоллар керак.

Яқинда Чирчиқ шаҳридаги айрим савдо корхоналарини текширдик. 3, 76-магазинлар пештахталарида шаклар йўқ, лекин пана жойда бир неча қоп шаклар беркитиб қўйилган. 56-магазин текширилганда 482 килограмм ҳисоб-китобда йўқ шаклар борлиги аниқланди. Шаҳардаги 2-омборда 1720 сўмлик гўшт махсулотлари, чет элда ишлаб чиқарилган сигарета ва бошқа турли хил камчил озиқ-овқат моллари беркитиб қўйилганиги маълум бўлди.

Чирчиқ шаҳридаги 3 ва 10-омборлар текширилганда қизиқ воқеа содир бўлди. Омбор ходимларига тегишли столлар шн столлари эмас, балки топилмас матоҳлар омборига айлантиб кетибди. Чамаси, нима антиқа буюм келса «кўз ҳақи» олишар экан. Магазинларда ҳам аҳвол шу бўлса керак. Лекин оддий меҳнатхона магазини-магазин юрб оворано сарсон. Охири зарур бўлгандан кейин бозордан олшга мажбур. Бозордегиларнинг эса корхонаси йўқ, Уларга мол Уша омборлар, магазинлардан ўтиб боради. Мана бир мисол. Тошкент район матлубот жамияти раисининг ўринбосари З. Убайдуллаев «Гулноза» универмаги бўлими мудири К. Холқинова билан пилхона иш тутишиб 50 та «Монтана» маркази эркаклар костюми, 100 та эркаклар кўйлагини «четга» олиб қўйишди. Сўнг секин «сув» қилишди. Бир эмас, икки эмас, 150 та бозори қаққон кийим пештахта юзини кўрмай «эгасини» топиб кетди.

Тузини шамол учирса, эчкини осмонда кўр, дейдилар. Район матлубот жамияти раисининг ўринбосари шундай қилиб тургандан кейин бошқалар ундан ўрнат олиб нималар қилмайди дейсиз.

Аслини олганда ҳамма магазинлар давлатники. Бир хил ҳуқуққа эга. Лекин айрим магазинлар харидорлоп, камчил, чет элда ишлаб чиқарилган моллар билан негадир

узлуксиз таъминлаб борилади. Янги-яшил шаҳрида 1-, 47-, 88-, 92-нагизилар харидордир моллар олишда шундай алоҳида ҳисобда турадилар. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Одамлар бундан кўндан сезишади. Ҳужжатлар эса бундан далолат беринб турибди.

Спиртли ичимликларнинг камчилиги сабаб, бу «соҳа» ҳам савдо ходимларининг фойда олиш манбаига айланган. Ангрэн умумий овқатланш трестига қарашли «Роҳат» кафесининг ходими Тарасова ва шу трестга қарашли «Баҳор» ресторани буфетчиси Шабиев тунда арак сотаётганларида қўлга тушдилар. Магазинларда эса сотувчилар спиртли

НА ИНСОФ БОР ВА НА ДИЁНАТ

Савдо-сотикдаги хиёнатлар ҳақида

ичимликларни чал қўл билан оладилар-да кўзингизни бақрайтириб туриб, қайтмадан чегирки қолавердилар. Янгибозор матлубот жамиятига қарашли 36-магазин сотувчиси Жаматов харидорга 10 шиша «Русская» арагини бераркан, 4 сўмни уриб қолди. 39-магазин сотувчиси Маннонов олирилганда ундан ҳам ўтиб тушди, 8 шиша арак ҳисоб-китобини қила туриб, ўз фойдасига 4 сўм 40 тийинга «адашди».

Коммунистик райониндаги савдо тармоқларида харидор ҳақида хиёнат қилиш ҳоллари кўпаймоқда. «Юбилей» универмаги маданий моллар бўлимининг мудири Хамитов харидорлар Шерматов, Черказов, Галимовга мотоцикл сотаётган ҳар биридан 199 сўм 08 тийиндан ортиқча олди. Бир соатга етмай уч кишидан 597 сўм 24 тийинни шилиб қолган бу юлғич қўлга тушди.

Ҳўш, нега энди шундай? Нега совет савдоси қонун-қондаларини бузиш областимизда камайиш ўрнига кўпайиб кетмоқда? Бунга асосий сабаблардан бири: идоравий назоратнинг ёмон ташкил этилганлиги дейиш мумкин. Доимий назорат етишмайди. Айрим район матлубот жамиятларида назорат комиссиялари ҳатто тузилмаган ҳам. Назоратчилар, товаршуносларнинг ўзлари олиб боришади. Уларнинг текширувлари кўпича юзаки ва самарасиз бўлади.

Савдо тармоқларида қонун-қондаларнинг бузилишига яна бир сабаб

кадрларни танлашдаги камчиликлар, тарбиявий масалаларга эътибор берилмаётганлигидир. Ким қўлга тушгандагина муҳокама қилинади ва жазоланади. Айримлар ҳатто қўлга тушганда ҳам, аллақимларнинг ҳисобидасида савдан қуруқ чиқиб кетишади. Масалан, Бўка район матлубот жамияти Кўкорол бўлимига қарашли магазин мудири Содиқов Ўзбекистон жиноят кодексининг 177-моддасига биноан шу йил май ойида жазоланган, унинг савдода ишлаши мумкин эмас эди. Уни ишчи сифатида, номингагина ҳужжатлаштириб қўйишди. Аслида сотувчи бўлиб қўйлаверди. Урганган кўнгли ўртанса қўймак деганларидек, яқинда харидор ҳақини ўзининг «чалкштириб» 3 сўмини ошқича олганда яна қўлга тушди. Энди унинг устидан жиноий иш кўзгатилади. Бўка район матлубот жамиятига қарашли магазин мудири Расулов ҳам шу йил харидор ҳақида хиёнат қилганда акт тузилган эди. Унга хомийлик қилишди. У магазин мудири бўлиб ишлабверди. Яқинда текширув ўтказилганда 1900 сўм камомат чиқди.

Хуллас, текширув натижалари шуни кўрсатмоқдаки областимизда харидорни алдаш, камчил молларни беркитиб сотиш каби иллатлар кўп-кўп учрамоқда. Баъзи ноинсоф савдо ходимлари озиқ-овқат, саннат молларининг камчил бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, халқнинг насибасига шерик бўлмоқдалар, текин томоқлик қилмоқдалар. Бундайларда на инсоф бор, на диёнат! Ҳўш, ҳаётимиздаги бундай салбий кўринишларга зарба бериш учун нима қилиш кўра! Албатта, бу ерда жамоатчилигининг ёрдами лозим. Лекин бир қатор жойларда маҳаллий Советлар бу ишга етарли эътибор бермаётдилар. Ишчи назорати комиссиялари ҳар бир омбор, магазинда худди шу камчиликларни тугатиш мақсадига тузилган эди. Лекин бу комиссиялар аввалгига ишчи бўл-бўл билан бошладилар-ку, кейин ўз қоллига ташлаб қўйишди. Узоққа бормай сунистеъмолчиликлар ави олган Бўка районини олайлик. Ишчи назорати комиссиялари номингагина айрим майда-чуйда нарсалар билан шугулланганликларини ҳисобга олганда, жиддий камчиликлар ҳақида тергов органларига биронта ишчи тавсия этмадилар. Коммунистик ва бошқа районлардан ҳам бундай мисоллар келтириш мумкин.

Ишчи назорати ишчи активлаштириш лозим. Умуман камчил молларни беркитиб сотиш, харидорлар ҳақида хиёнат қилиш ҳолларига қарши кескин курашайлик ва унга жамоатчилигини кенг жалб этайлик. Савдо тармоқларидаги эгри қўлларга нисбатан қатъий чоралар қўрилиши, уларни ҳимоя қилаётганларга эса муросасиз бўлишимиз лозим.

Л. КАНЕЕВА,
область прокуратураси умумий назорат бўлимининг катта прокурори.

Б. ПУЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус музбир.

• Суд залидан КООПЕРАТИВ НИҚОБИДА

ОЛИМЖОН Юнусов Чиноздаги «Экспресс» кооператив қурилиш ташкилотига катта «умидлар» билан ўтганди. Мақсад — нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ пул ишлаш. У бошлик бригада Чиноз «Сельхозхимия» район ташкилоти билан қурилиш ишларига шартнома тузди.

Мазкур ташкилотнинг эски биноси бузилди, О. Юнусов бригада аъзолари учун пул-тулов ведомостини тайёрлади. Унга қурувчиларнинг фақат исм-фамилияларини ёзиб, бригада аъзоси И. Юнусовга барчага кўп қўйдириш чикиши буюрди.

—32 ва 33 касса ордерлари билан 4753 сўм олинди, бригадир 900 сўмини, яъни киши бошига 100 сўмдан бригада аъзоларига тарқатиб чиқишни тайинлади. 3853 сўмини эса ўзи чўнтакка урди.

О. Юнусов кооперативни ким текширарди деди шекилли, яна ҳам каттарок ишларни мўлжаллаб юрганида сир очилиб қолди. У таваб қилиб ҳарчанд уринмасин ишн судга ошди. О. Юнусов уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ана шу судда Йўлдош Юсупов гувоҳ тариқасида иштирок этган эди. Ордан ҳеч қанча вақт ўтмай Й. Юсупов ҳам судда қора курсига ўтирди. У кейинроқ «Экспресс» кооперативга қурилиш бригадасига бошлиқ этиб тайинланган, ҳали О. Юнусов томонидан қилинган жиноий ишнинг изи босилмай шу йўлга кириб кетди.

Қурилиш кооперативни Чиноз район колхоз бозори билан гўшт ва сут раставларини ремонт қилиш учун шартнома тузди. У ишни «пишиқ» қилиш мақсадига қалбаки тулов ведомости тузиб, саниқ киши ўрнига ўзи қўл қўйиб пулнинг бир қисмига қурилиш материаллари сотиб олиб, қолганини, яъни 2778 сўмини ўзлаштириб юборди. Бу гал ҳеч ким билмайди деб ўйлаганди. Лекин қилишми фош этилди. Терговда, суд жараёнида турли баҳоналар билан жазодан қўтилиб қолмоқчи эди, бўлмади. Келтирган зарарни қоплашга мажбур бўлди. Лекин қилган жиноий ишн учун унга қарашли мол-мулк мусодара қилинди. Чиноз район халқ суди уч йилга мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳукм чиқарди.

Б. СОЛИҲОВ.

КАССАГА ЭМАС, КИССАГА ЭЙКИ ТАКСИ ХИЗМАТИДАГИ ҚАЛЛОБЛИКЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАРГА транспорт хизматидаги яхшилаш мақсадига ўтган йилдан бошлаб Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат қилувчи таксиларнинг шаҳардан ташқарига 50 километргача масофага боришга рўхсат этилди. Бу олабта аҳолисининг ярминдан кўпи шаҳар такси хизматида фойдаланиши мумкин, деган гапдир. Бироқ...

Мана шу хизмат даражаси, хизмат маданияти қандай бўляпти? Область ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текшириш хизмат даражаси жиддий танқидга муносиблигини, хизмат маданияти ниҳоятда пастлигини кўрсатди. Агар йўловчи шаҳардан четдаги

манзилга бормоқчи бўлса, у ҳеч қачон такси машинасига индамай ўтириб «фалон жойга» дейилмайди, албатта, ҳайдовчи билан йўлқирани қанча тўлашни шартлашиши керак. Йўлса ҳайдовчи уни машинадан туширади.

Шу йилнинг биринчи ярмида ўз чўнтаги ҳисобига йўловчилардан ортиқча ҳақ ишлаётган пассажир транспорт хайдовчиларини фош этиш бўйича 18 марта рейд ўтказилди. Уларда эйликка яқин эгри қўл ҳайдовчилар қўлга тушди.

Масалан, Тошкент шаҳридаги 2-автокомбинатнинг 24—85 ТНА номерли такси машинаси ҳайдовчиси Равиль Абреев йўловчилардан 12 сўм 70 тийин ортиқча ҳақ ол-

гани аниқланди. Эксперименталь автомобиль корхонаси (ЭПАИ) такси ҳайдовчиси Тўхтамурад Нурматов (15—31 ТНБ) ҳам йўловчилардан 12 сўм 64 тийин ортиқча ҳақ олди. 1-автокомбинат хайдовчиси Саидумар Баҳромов (40—29 ТНА) ҳаммасоқлари орасида «ким ошди» мусобақаси ўтказилса, у сўзсиз биринчи ўринни қўлга кириштига қўриб етар экан. Ахир, йўловчиларни бийрўйла 32 сўм ортиқча пул тўлашга кўндиришининг ўзи бўладими?

5-таксопаркининг хайдовчиси Иван Дайнеко (63—95 ТНА), 6-таксопарк хайдовчилари Виктор Смирнов (28—74 ТНА), Т. Бобоҳужаев (50—52 ТНБ), Чир-

чиқдаги 15-автобус-таксомотор паркн такси ҳайдовчиси Вахтёр Шодиев (00—90 ТША), ЭПАИ хайдовчиси Вобоқул Исмоилов (17—76 ТНБ) набилар мусобақада Баҳромовнинг қангида қолиб кетишаркан. Буларнинг ҳар бири шаҳар ташқарисига элтиб қўйилган йўловчилардан 5—6—9 сўмдан ортиқча ҳақ олдилар.

Йўловчилардан тушган йўлқирани давлат кассасига эмас, ўз кассасига урадиган автобус хайдовчилари ҳам тез-тез учраб турибди. Чирчиқ автобус-таксомотор паркнига қарашли 28—34 ТШЛ номерли «Икарус» хайдовчиси Н. Гоог билетсиз беш йўловчидан уч сўм ҳақ олганда қўлга тушди. Унинг

кассаси текширилганда 7 сўм 55 тийин ортиқча пул чиқди. Шу автокорхона хайдовчиси Р. Бурганов (Икарус, 47—76 ТШС) уч йўловчидан уч сўм олиб билет бермади ва унинг кассасидан 26 сўм 80 тийин ортиқча пул чиқди.

Тошкент область ва шаҳар йўловчилар ташин автомобиль ишлаб чиқариш бirlашмаларининг раҳбарлари давлат машинасини яриш-шасхий мулкка айлантириб олган бу хайдовчиларнинг хулқ-атвориини нима билан изохлар эканлар?

П. ЮНУСХУЖАЕВ,
область Ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг катта оператив вакили.

Социал масалалар бўлимида

• Социал масалалар бўлимида •

БОЗОРДА УШЛАНДИЛАР

ПАРТИЯМИЗ ва совет халқи қайта қуриш жараёнини кенг қўламда авж олдираётган шу долзарб дамларда айрим гуруҳлар томонидан олиб борилётган олиб-сотарлик, чайқовчилик мамлакатимиз иқтисодий ҳаёти асосларига маълум даражада зарар етказмоқда.

Қўлида катта пул «жамғармалари» бўлган ипоп шахслар озиқ-овқат, саноат моллари, хўжалик буюклари кабиларни қўплаб сотиб олиб яшироқдалар, ўз танахридан бир неча баробар ортиқ нархда сотмоқдалар. Мана шундай усуллар билан улар озиқ-овқат, саноат моллари танқислигини сунъий йўсинда юзага келишига сабабли бўлаётгандир. Шу сабабли кеча ва бугун магзинларимизда очиқ савдода бўлган маҳсулот ва буюмлар эртасига қойиб бўлаёпти. Меҳнат қилмай, осонгина халқ ризқини талон-тарож этаётган ана шу харомхўрларга қарши курашга кенг жамоатчиликни сафарбар этиш шу куннинг асосий вазифасидир.

Пойтахтимизнинг Октябрь бозоридagi Октябрь район ички ишлар бўлими БХСС бўлими бошлиғи, милиция капитани Авазбек Азизхўжаев билан суҳбатлашганимизда у чайқовчиларни бозор территориясида қўлга тушириш анча мушкул масала бўлиб қолганини, улар анча эҳтиёткор бўлиб қолишганини, одди-содди ишларини маҳалларда, муассаса ва ташкилотларда олиб боришаётганликларини, шунинг учун уларни қўлга олишда кенг жамоатчилик ёрдами ҳаводай зарур эканлиги ҳақида гапирди.

Милиция оператив пунктида БХСС бўлими ва оператив участканинг 6 та штатли ва 4 штатсиз ходими бор. Улар чайқовчиларга қарши фаол курашмоқдалар.

Мана янги фактлардан мисоллар. Яқинда бозор территориясида Николаев областининг Первомайск шаҳридан Тошкентга ўз спорт маҳоратини ошириш учун келган 29 ёшли спорт мастери, забардаст йигит Александр Тарасов 246 флакон тирноқларга жило берувчи «Жасмин» лакини сотаётганда қўлга олинди. Сурияда тайёрланган бу маҳсулотнинг давлат баҳоси (1 флакон) 1 сўм 50 тийин турса, Александр эса ҳар бир флаконни 3 сўмдан пуллаган.

Яна бир мисол. Чимкент область Сарноғоч районидagi Жамбул совхозининг ишчиларидан Жумагул Дуйсебоева билан Мераш Шалқаровларнинг ҳар бири 10,5 килограмдан ҳинд чойини сотиш пайтида ушландилар. Улар иккинчи нав баҳоси 6 сўм бўлган ҳар килограмм чойни 18 сўмдан сотганлар.

Шу ерда яна бир забардаст йигит, Новосибирск шаҳридан Тошкентга саёҳат қилиш учун келган турист, 26 ёшли Алексей Шустиков қўлга олинди. У ҳар бир донаси 7 сўмдан турувчи чет эл лаб буюғини 11 сўмдан сотаётган экан. Унинг сўмқасидан 206 дона лаб буюғи чиқди. Сўроқда Шустиков бу ноёб парфюмерия маҳсулотларини қардош Тожикистоннинг Ленинобод шаҳрида ҳар донасини 10 сўмдан сотиб олганини таъкидлади.

Октябрь бозоридa давлат фондидан чиққан гўштини мунтазам олиб сотиб юрган Тошкентдаги 50-болалар бoғ-часининг ходимаси 36 ёшли Озода Ифандиёрова ҳам жиний жавобгарликка тортилган. У илгари ҳам давлат фондидан чиққан гўштини олиб сотиб юрган. Икки марта қўлга олинган, тавба-тазаррулар қилганлиги ва оилавий шаронти ҳисобга олинб, оғоҳлантириш билан кифояланб, қўйиб юборилган эди. Энди эса 10 килограмм давлат фонди ҳисобидан чиққан гўштининг ҳар бир килограммининг 4 сўм 50 тийиндан сотиб турган пайтда ушланди.

Мана шу чайқовчиликларни очишда Октябрь район ОЕХСС бўлимининг оператив ходимларидан милиция катта лейтенантлари Анвар Ҳасанов, Аъзам Отахўжаев, участка милиция оператив пункти бошлиғи милиция капитани Бозорбой Ботиров ва жамоатчи милиция инспектори, меҳнат ветерани, ўттиз йилдан буён округ пунктида ёрдам кўрсатаётган Шодмон ака Абдуллаевларнинг ҳиссаси каттадир.


Бу ерда чайқовчилик, олиб-сотарликка қарши курашнинг янги методларини кенг жорий қилиш давом этмоқда. Қўлга тушган чайқов моллари давлат ҳисобига мусодара қилинапти. Жиноятчилик ишлари терговга оширилмоқда.

Х. НОСИРОВ.



Суратларда: 21 килограмми ҳинд чойи билан қўлга тушган чайқовчилар Ж. Дуйсебоева, М. Шалқарова ОЕХСС оператив ходими А. Ҳасанов ва милиционер М. Обидов сўроқларига жавоб беришмоқда. Олиб-сотар Александр Тарасовга қарашли уна-элик буюмлари; оператив пунктда (чапдан ўнгга) штатсиз жамоатчи инспектор Ш. Абдуллаев, инспектор Х. Тошпўлатов ва ОЕХСС оператив ходими А. Отажонов чайқовчиликка қарши профилактика текшириш ўтказиб, бозорда тез-тез саноат моллари — аёллар жемпери сотувчи И. Шадрина фаолиятини текширмоқдалар.

М. НУРИДИНОВ суратларни



Ҳоғуса

ТАМАКИ ТУТУНИ

4 ОКТАБРЪ ЭРТА БИЛАН республика пойтахтининг Чоғтепа кўчасида тутун бурқий бошлади. Тошкент тамаки фабрикасининг бу ерда жойлашган омборига ўт тушган.

— Биз эрталаб соат 7 дан 50 минут ўтганда ёнғин ҳақида хабар олдик ва у ерда тўртта ўт ўчирувчи машинани зудлик билан жўнатдик, — деди республика ички ишлар миинистрияги ёнғиндан муҳофаза бошқармасининг навбатчиси ички

хизмат капитани А. Саигов. — Бу ерга етиб келган бўлималяриимиз тиза остидаги 800 квадрат метрга яқин майдонда алағга авж олганлигини кўришди. Тамаки фабрикасининг хом ашёси ёнарди. Ёнғин жуда кучли бўлганлиги сабабли яна иккита машинани қўшимча тарзда бу ерга юбордик. Бир яри соатдан кейин —

соат 9 дан 19 минут ўтганда ёнғин ўчирилди Ҳозир ёнғин чиқши сабаблари текширилмоқда.

Биз Тошкент тамаки фабрикасининг директори М. Л. Шаширо воека содир бўлган ердан қайтган замониёқ у билан учрашганига муваффақ бўлдик.

— Биз ўт ўчирувчиларга ёрдам бериш мақсадида 40

кишини юбордик. Улар ҳозир ҳам ўша ерда ишлаяпти. Биз омборин ижарага олгандик, у ерда навл тамаки сақлаварди Ҳозирча қанча зарар етганлигини айтиб бўлмайдик. 15 минг сўмлик хом ашё ёниб кетган бўлса керак.

— Салдода яхши тамакининг ўзи йўқ. Энди яна бўлади?

— Тамаки етарли. Фильтлар йўқ. Биз уларни Арма нистовдан олардик. Кавказ орти темир йўллари тўсиб қўйилганлиги тасвир қилмоқда. Еревандан фильтларни олиб келиш учун неча кундан бери самолёт топинга ҳаракат қилди. Иложини қилсак, маҳсулот ишлаб чиқариш яна мунтазам бўлиб қолади.

А. БЕЗВЕРХОВ, ЎзТАГ мухбири.



Бугун шу китобим яна умум-халқ муҳокамасига тушгани менга янги куч, илҳом беради.

Хусусан, Шукур Бурхон ҳақидаги шеърга келсан, уни эълон қилиш ҳам силлиқ ўтмади. Турфа саволларга жавоб беришга тўғри келди.

1985 йили «Ёшлик» журналига ишга ўтганимдан кейин шовир ва таржимон Саъдулла Аҳмад билан сузлашиб, Шукур Бурхон ҳақида материал беришни ўйладик. Аммо 1986 йилга келиб республикада сиёсий вазият шу даражага келдики, ўз-

нуман» даярди. Шукур Бурхон ёшлигида, яъни 1927-1928 йиллари «Ўзбекфильм» киностудиясига, ҳамма театрга ёш бир хаваскор сифатида келиб, Шукур ўтиб, атоқли санъат арбобига айланади. Бурхонлар авлодида санъаткор бўлмаган. У ўз истеъдоди билан ёриб чиққан.

1937 йили Москвада биринчи адабиёт ва санъат декадаси бўлиб ўтди. У ерда санъат усталаримиз кўрсатган томошалар барчага беҳад манзур бўлди. Шу жумладан, саҳна устаси Шукур Бурхон ҳақида ҳам москваликлар илқ-таплар айтишди. Санъаткор 1966 йили ер кимирлаганидан сўнг «Ўзбекистон» колхозидан кўчиб, ҳозирги Садаф кўчасида янги уй солди. Шу маҳаллада болалар боғчаси чойхона қуришда бош-қош бўлди. Маҳалла аҳли улуг санъаткорни юрт отаси деб билар ва ҳурмат қиларди.

Шукур аканинг юксак санъаткор бўлиб танилишида унинг умр йўлоғи Шайхонларнинг меҳнати бекиёндир. У ҳали кўп йиллар яшаши, яна ажойиб образлар яратиши мумкин эди. Афсуски, уни фарзандлар доғи — бир ўғли, бир қўзининг бевақт вафоти барвақт адо қилди. Шундай бўлса-да, ундан бой мерос қолди. Бундай атоқли санъаткорнинг қадрига еттишимиз, номини абадийлаштириш учун барча чора-тадбирларни қўришимиз даркор.

Сухбатчи М. СУЛАЙМОНОВ уюштирди.

ЎЗБЕК САҲНАСИНИНГ АРСЛОНИ

УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР



Инсон қолдирган из. Кимдир хунари, кимдир санъати, яна кимдир бекиёс таланти билан бу ёруғ дунёда ёрқин из қолдириб кетади.

Ўзбек театри саҳнасининг Улугбеги, Ялангўши, Гофур, Мавлони, Қоработири, Арслонбеги, Калининлари, Гамлет, машҳур киноактёр, СССР халқ артисти Шукур ака Бурхон ҳаёт бўлганларидан бу йил саксон ёшга қадар кўйган бўлар эдилар. Унинг ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди, бир неча рисолалар ёзилди, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди.

Бир неча йил бурун се-

вимли шоиримиз Омон Матжон бу табаррук инсонга бағишлаб шеър ёзган эди. Улкан санъаткор ҳақида биринчи бўлиб гапириб беришни ҳам шу кишидан илтимос қилдик.

Уша йиллар мен учун чиндан ҳам мураккаб кечган эди. — деб ҳикоясини бошлайди Омон ака — Давраларда, учрашувларда чиқши бир қадар таъқиқлаб қўйилган эди. Чунки, шеърларимда муҳитдан норозилик оҳанглари аниқ янграй бошлаган эди. «Гаплашадиган вақтлар» асарим ёзувчилар уюшмасида икки марта натиқ муҳокама қилиниб, чоп этиш тўхтатиб қўйилганди. Чунки унда кўйиллашиб келаётган экологик фожиа, қишлоқларнинг, аёллар ва болаларнинг ҳароб аҳволи, ёшларга эътибор йўқлиги, тил маданияти ва иқтисод масалалари очиб ташланган эди.

Нихоят китоб 1986 йили биринчи марта эълон қилинди.

Шеър босилиб чиққандан учтўрт кун кейин (бу вақтда Г. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлар аниқ) бирдан телефон жиринглаб қолди. Олсам Шукур Бурхоннинг вазини, салобатли овози эшитилди:

— Омонжон ука, семисога бу? Куни кеча чойхонага чиқсам маҳалладаги ўртоқларим мен ҳақимдаги шеърни муҳокама қилиб ўтиришган экан. Ҳай, энди раҳмат ёганига, дедим. Чунки ўзим ҳақимда ёзилган ўн битта шеърни биламан. Шуларнинг ичиде Шайхони ҳам бор. Сеники ўн иккинчиси. Ўртоқларим ўқиб беришди. Сенга миннатдорчилик билдиргани кўнгириқ қилаяман. Бироз тобим йўқ, бўлмаса ёнингга борар эдим. Энди ўзинг бир уйга келсан, ўтирамиз, чақчақлашамиз.

Мен ўша кунни қани энди бу суҳбат магнит лентасига ёзиб қолганида деб ўйладим. Афсус, бу телефон эди.

бекистон Компартияси Марказий Комитетидан менга асарлари «Ёшлик» журналида чоп этилиши ман қилинган 67 нафар ёш ижодкорларнинг рўйхатини беришди. Бу рўйхатда Саъдулла Аҳмад ҳам бор эди. Начора, эртанинг исми-фамилиясини ўзгартирган ҳолда материални чоп этишга мажбур бўлдик.

— Шукур Бурхоннинг театр, кино санъати ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс, дея суҳбатимизни давом эттиради уруш ва меҳнат ветеранлари республика Совети раисининг ўринбосари Н. А. Муҳиддинов. — Бу санъаткор 300 дан ортиқ образ яратиб, подшоми, ниқибоччи ё оддий меҳнатқилими, хуллас, ҳар бир ролини маҳорат билан ижро этди. Аниқса у дохийий Ленин образини қойилмақом қилиб яратган эди. Мазкур образ ўзига ёққани учун ҳам қувонч билан «В. И. Ленин образини яратшимдан мам-

МАНФААТПАРАСТЛАР

Ёзувчи Уктам Усмоновнинг «Шарқ юлдузи» журналининг шу йилги 4—5-сонларида босилган «Кишан» деб номланган қиссаси эътиборга молик. Унда биз юқориде қайд қилиб ўтган давр иллатлари инсонлар тақдири, уларнинг қалб дунёси ва фаолияти орқали инкишоф қилинади.

Қисса сюжети пахтачиллик брингадаси бошлиғи Топмамат Олимов фаолияти асосига қурилган. Китобхон унинг хатти-ҳаракати, у мулоқотда бўлган одамларнинг ҳаётга муносабатлари орқали жамиятни турғунлик даражасига олиб борган омиллари аниқлайди. Топмамат дастлаб ҳалол, меҳнатқас, оиласини пешона тери эвазига келадиган даромад билан боқадиган киши эди. Бироқ у билиб-билмай ўз виждонига хиёнат қилади. Механизаторлик қилиб юрган пайтда «Нариги пайкалдан беригисига ўтаётиб кўприкчада Аъзам темирчиннинг тўққиз яшар ўғли Нортोजани бункери билан уриб юборди-ю, тезоқар бўтана сувда кўчиб очиб юмғунчилик вақт ичиде ўша бахтсизлик зўр берди. Топмамат халитгача аниқ билмайди: Нортोजани бункер уриб юбордимки ёки четланаман деб ўзи тушиб кетдимми сувга?»

Колхозчилар ҳатто унинг руҳсатисиз, имзосиз омонат кассага қўйган ўз пулларини ҳам олишолмайдилар. Раис агар «фалон сўмини бериб юбор» деб қороз ёзиб бермаса, кассадагилар ҳеч кимга қўлоқ солишмайди.

Исмоилов типидеги раҳбарликнинг асл илдиризи талайча принципга бориб тақалади. Бундай раҳбарлик инсонларнинг кадр-қимматини йўққа чиқариб, уларни итзораткор қилиб қўяди. Бу ҳақда таниқли ёзувчи В. Гроссман ўзининг «Ҳаёт ва тақдир» романида одамлар ўзлари қатл этилаётган жойда узун навбат уюштириб, бу навбатни ўзлари тартибга солиб туршишлари қаби даҳшатли ҳолини ифодалайди. Мана шу ҳол 70-йилларда яна қайталанган икки кўринишда: илҳосизлик ҳамда манфаатпарастликдан юзага келади. Биз Исмоилов образида худди мана шу ҳолининг жамиятни ўзига таъсирини кўрамиз.

социалистик, умуман ҳар қандай жамият бундай йўлдан муттасил кетиши мумкин эмасди.

Одатда пулдор одамлар ҳаётдаги ўзгаришларни ўткынчи бир ҳол деб билинади. Йиллар давомида пул кучи билан ҳар қандай мақсадга эришганликлари учун, яна шундай йўл билан ўз манъаларини тиклашга жуда катта ишонч ва умид боғлашади. Адиб бу типдаги одамларнинг психологиясини Исмоилов образида тўғри ва ҳаётли кўрсатади. У дастлаб қалмақ ҳазиларида тезда қалмақхонадан чиқиб кетишга умид боғлайди. Лекин Терловте телевизор орқали Исмоиловнинг кўрсатган ва «қилмишларинингизни колхозчингизга олиб бериб, ҳалқ олдида сўраймиз», деганда, у ўзининг даври тугаганини аниқлайди. Шундан сўнг худбинлиги қўзиб, ўзидек манфаатдор бўлмаган бригадирларни (гарчи уларни ўзи бу ишга ундаганига қараман) тортади. Топмамат эса ана шу тўғрайли қарбга олинади.

Сиртдан қараганда, мазкур образ уюшган жиноятчиликнинг қурбони бўлиб туюлади. Аслида эса у гуноҳсиз эмас. У норасида боланинг ўлими сабабини яшириб виждонига хиёнат қилади. Бу билан ўзини-ўзи илк бор «кишан»лайди. «Кишан» калитини эса Исмоилов қўлига гутқазади. Шунингдек, у Исмоилов ва Исмоиловлар билан бирга ҳар йили курортларга боради, тўқин дастурхонли маишатларда қатнашади. Унинг жамғармаси ҳам ёмон эмас: ҳибса олинганда уйдан 35 миғ сўмлик тилла заём чиқади. Ҳўш, шундай одамни ҳеч бир гуноҳсиз, дарвининг қурбони деб бўладими? Йўқ, албатта!

Адиб қалмақ ҳаётини тасвирлар экан, милиция ходимларида ички маданиятнинг йўқлиги, уларнинг жиноятчи ҳам авваламбор одам эканлигини ёддан чиқариб қўйганликларини ишонарли тарзда ифодалайди. Аслида

қалмақ ҳам ўзига хос тарбия ўночи бўлиб, киши ундан иккинчи бор жиноятга қўл урмайдиган бўлиб қайтиши керак. Лекин ёзиб бунинг акиси. Қалмақда ётиб чиққанларнинг 90 фоизи қалби тош, меҳр-шафқатдан узоқ кишилар бўлиб келишмоқда. Бунинг социал моҳиятини ўша ердаги шароит ва ўша жойда ишлайдиган ходимларнинг маҳбубларга бўлган қўпол муносабати ҳамда адолатсизлигидан қидирмок жоиздир. Ёзувчи Топмаматнинг бошида кечирган воқеалар орқали худди мана шу ҳолатни ҳаққоний кўрсата олган. Айниқса, унинг фожиали қисмати, яъни ўз ажали билан ўлим топмасдан, бир ҳайвонсифат барзанги кўлида жон таслим қилиши китобхон қалбиде ачиниш ҳиссини уйғотади.

Ёзувчи эпизодик образлар зиммасига ҳам ангағиша вазибалар юклайди.

Қиссани ўқиган китобхон жуда кўп воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлса-да, бирор нимадандир кўнгли тўлмади. Бунинг биринчи сабаби, асар сюжети йўналишини ўзига эргаштирадиган, унинг тармоқларини белгилаб берадиган етакчи, мураккаб ва мукаммал образнинг яратилмаганидир. Тўғри, ёзувчи Топмамат шундай образ дейиши мумкин, лекин у воқеалар кетидан эргашиб жоради. Ҳар жиҳатдан етук бадиий асарда эса бунинг акси бўлмоғи керак. Иккинчидан, Исмоилов, Исмоилов ва Исмоиловлар ҳам тўла-тўқис оқилмаган. Умуман олганда, «Кишан»да ўз манфаатини ўйлаганлар қисмати, уларнинг ҳаёти ва фожияси тўғри ҳамда анча таъсирчан очиб берилган. Қиссани ўқиган ҳар бир китобхон бундай ҳақдан, қочади. Асарнинг қиммати ҳам шундадир.

Ҳ. КАРИМОВ, филология фанлари кандидати, доцент.

ФОЖИАСИ

• Яни ғазаллар

ДИЛ ИЗҲОРИ

- Қани энди сенинг каби ёш бўла қолсам,
- Ошиқларнинг ҳаммасига бош бўла қолсам,
- Қийноқлару азобларнинг бўлмаса ҳеч ҳам,
- Ҳаммасига сабр этиб, бардош бўла қолсам,
- Сен юрганда эганимга тегмаса губор,
- Иларингнинг унгуви фаррош бўла қолсам,
- Ҳар боққанда ўлдирса-да, мужгон-ўқларинг,
- Яна шаҳло кўзинга қош бўла қолсам,
- Билки, Аҳмад ҳамини сурар ҳаёлот
- Қани энди сен парига сирдош бўла қолсам.

КЕЛИБДИ

- Сен билан қулбамга ибо келибди,
- Дардимга малҳаму шифо келибди,
- Қутлуғ қадамингдан меҳр ёғилур,
- Андиша-ю одоб, ҳаё келибди,
- Юзларинг нуридан кун ҳам ёришиб,
- Хонамга нурафшон зёб келибди,
- Мушки хушбўйингдан айланди бошим,
- Ҳуснингдан чаманга оро келибди,
- Хумор кўзлар билан Аҳмадга боқиб,
- Тоҳирин ахтарган Зухро келибди,
- Аҳмад УМАРИН.

ТАКРИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан кенгаш

(Боши 2-бетда).

зўр-базўр таъминланмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг йиллик ўсиши 600—700 минг кишини ташкил этмоқда. Шу муносабат билан юзага келадиган вазифаларни кенг миқёсдаги муаммолардан ажратилган ҳолда ҳал этиб бўлмайди.

Мана шу ҳар жиҳатдан қийин вазиятда ўзимизнинг аниқ-пухта нукта-назаримизга эга бўлиш гоят муҳимдир. Муаммолардан ўзимизни четга олмаслигимиз керак ва бу энг аввало педагогларга, ёшларнинг мураббийларига тааллуқлидир. Уларнинг катта қисми эса — республика таъдирдан ниҳоятда ташвишланган, қийин муаммоларни ҳал этиш йўллари излаётган кишилардир.

Олий ўқув юртида қайта қуриш қандай бораётганлиги, бу нарса қай тарихқа нисбатан бўлаётганлиги, қайта қуришга нималар тўқинлик қилаётганлиги тўғрисидаги масала ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз-ўзини бошқарувага ўтиш, таълимни янада демократиялаш тўғрисида кўп гапирилмоқда. Амалда эса ҳозирча ўзгаришлар кам бўлмоқда.

Олий ўқув юртлири жуда катта қийинчиликларни бошидан кечирётганлиги тушунарлидир. Уларнинг моддий-техника базаси заиф, аудиториларга талабалар сиғишмайди. Лаборатория хоналари етишмайди. Бу муаммоларни ҳал этиш учун барча зарур чора-қарор қўрилмоқда. Олий таълим министрлигини қайта тиклаш тўғрисидаги масала бежиз ўртага қўйилмаётган бўлса керак.

Студентлар ва ўқитувчиларнинг айрим қисми орасида нима учун маънавий қашшоқлик, социалистик кадриятларга нисбатан салбий муносабат, сиёсий ғўрлик кўринишлари кучаяётганлиги тўғрисидаги масала асосий масала бўлиб қолмоқда. Нима учун билимининг қадрини пайғамбарлик қилиш учун катталарга, меҳнатга му-

носабат ўзгармоқда? Бу нарса мактабдан бошланмоқда. Миллатчилик кўринишлари кучаймоқда. Бу жиҳидий белгилардир. Идеология ходимлари ҳам, педагогларимиз ҳам, ёшларнинг мураббийлари ҳам зарарли иллатлар фарзандларимиз қалбига пайдо бўлишига йўл қўймайликларни керак.

Кўпгина ўқитувчиларда студентларнинг турли хил митинглар, намойишлар ва йиғилишларда иштирок этишига нисбатан аниқ-равшан позициянинг йўқлиги бизни жиҳидий ташвишлантирмоқда. Бунга принципиал баҳо берилаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг устига айрим ўртоқлар икки ёқлама мавқеда туришибди. Биз ҳаммамиз турмуш ўртага қўяётган принципиал масалаларни аниқлаб оладиган пайт аллақачон келди. Одамлар, аниқ-эсашлар энг аввало эътиқодли, қатъий фикрли кишиларни ҳурмат қилдилар. Бугунги кунда олий ўқув юртлирининг коммунистлари, барча ўқитувчилари, талбачанликни оширишлари, иттиҳоз ва тартибни мустаҳкамлашлари, ташаббусни ўз қўлларига олишлари, барча соҳага кучларини қайта қуриш принципларида бирлаштиришлари, ғоявий эътиқод намунасини сўзда ва амалда намойиш қилишлари зарур.

Ҳозир митингларда пахта яқка ҳокимлиги муаммоси тез-тез кўтарилмоқда. Дарҳақиқат, бизда пахта яқка ҳокимлиги бўлган ва ҳозир ҳам бор. У шу вақтгача озин-овқат программасини ҳал этишга ҳалақат бериб келмоқда. Лекин айни вақтда пахта хом ашёсининг республикамиз учун қандай аҳамиятга эга эканлигига баҳо беришга оқилонда ёндашиш керак. Бугунги кунда худди шу пахта бутун Ўзбекистонни боқаётганини тушунадиган вақт келди.

Пахтазорларни оқилонда, илмий асосланган даражада қисқартириш, пахтанинг харид нар-

хини оширишга эришиш — бу бошқа гап. Мазкур йўналишда иш олиб боришда ва ҳозирдаёқ муайян натижаларга эришилди. Биз 1990 йилда бир ярим миллион тонна тола олиш вақти белгиланишига эришидик. Бунга пахта хом ашёсига айлантириб ҳисоблаганда, сал кам 4 миллион 600 минг тоннани ташкил этади. Бу кўрсаткичлар 1995 йилга қадар ўзгармайди. Келасан йилдан эса планлаштиришнинг янги системасига — толага қараб планлаштиришга ўтамиз. Унинг моҳияти шундаки, қанча ерга чигит экиш ҳуқуқи ҳўжаликларнинг ўзига берилади, улар ўзлари танлаб олган навларни экиш ва ҳўжаликларнинг умумий даромадларини қамайтормасдан ҳолда ўз ерларига ўзлари ҳўжайин бўлиш ҳуқуқини олақилдилар. Биз ана шу тадбирлар туфайли деярли 300 минг гектар ерни бўшатиб олишимиз мумкин. Бошқа аниқ чора-тадбирлар ҳам қўрилмоқда. Митингларда эса мазкур масалаларни мушлақо тушунамайдиган одамлар ана шу муаммолар ҳўсусида кўпинча фикр юритишмоқда.

Пахта нархи сингари доллар-китоблар қилинган, унинг усуллари аниқлаб олинган. Мамлакат оғир молиявий аҳволда бўлишига қарамай, бизга хом ашё учун қўшимча пул бериши. Унинг умумий миқдори 1989—1990 йилларда 1 миллиард 200 миллион сўм атрофида бўлади. Фақат шу туфайлигина республика қишлоқ ҳўжалигидан оладиган фойда икки баравар кўпайиши керак. Истиқболда — 1991 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг нархи умуман қайтадан кўриб чиқилган. Энди эса иш шу даражага бориб етмоқдаки, пахта нархини оширишга ҳаракат қилиш керак эмас, чўнки уни етиштириш ҳўжаликларга фойдали бўлиб, биз бунда яна пахта яқка ҳокимлигига қай-

тамиз, деб гапирётган одамлар ҳам бор. Ўйлаймики, бу асоссиз гаплардир.

Бугун қизгин мухокама қилинаётган иккинчи масала тил масаласидир. Ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилмоқда. Қўнуи лойиҳаси мухокамасида кўплаб одамлар қатнашишмоқда ва улар қанчалик кўп қатнашса қабул қилинган қўнуи шўнчалик адолатли бўлади. Бинобарин, бунда ҳам муаммога нисбатан умуман оқилонда ёндашув бўлиши керак. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши территориямизда амал қилаётган бирорта тилини, энг аввало рус тилини ҳеч қандай қамситмаслиги керак.

Мутахасссларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ўзбек тилининг давлат тили бўлиши қаида қарийб бир ярим миллиард сўмга тушади. Бу маблагларни қидириб топиш керак. Ўзбек тилини ўрганиш ҳўзир шўндай аҳволга тушиб қолганлигини, қақийқий ўзбек адабий тилини тилшўнослардан ташқари жуда кам одам билишини эътироф этмоқ лозим. Утмишининг бу ҳатоларини тузатиш, ўзбек тилини ўрганиш учун шароит яратиш, муайян муҳлат бериш керак. Араб илосининг ҳам ўрганиш зарур. Чўнки бу тарихимизда, маданиятимизнинг био қисмидир. Лекин бу ишларнинг ҳаммасини оқилонда ревишда бажариш завор. Бу муаммони ҳал этишда энг аввало давлат нуктаи назардан ёндашишимиз ва бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз Ўзбекистон территориясида истиқомат қилаётган барча одамларни тўрқатиб юбормаслиги, ақинча бирлаштириши керак. Бугун барча қўчуларнинг ўшоиши, қўйилган вазифаларнинг амалий бажарилиши ҳар қа чондагидан ҳам муҳимдир.

Кенгашда Тошкент давлат дорилфўнуни ректори Ш. О. Алимов, ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизация-

лаш инженерлари институти проректори С. И. Ибодуллоев, Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров, Самарқанд кооператив институтининг ректори А. С. Солиев, Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг ректори Э. Т. Шайхов, автомобиль транспорти ва йўллар институтининг ректори С. П. Пулатов, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институти иқтисод факультетининг декани У. Неъматжонов, республика халқ таълими министри М. А. Зоидов, Тошкент педагогика институтининг ректори К. Юсупов сўзга чиқдилар.

Нотиклар студентлар ўртасида ташкилотчилик ва тарғибот ишлари учун олий ўқув юртлири раҳбарларининг, партия ташкилотларининг, фаолларнинг маъсулларини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Олий ўқув юртлири ҳўзурда сиёсий марказлар тузиш таклиф этилди, ана шу марказларга энг яқши педагоглар, фаоллардан бўлган студентлар кирдирилди. Улар тил, миллатлараро муносабатлар масалаларни, қайта қуриш ўртага қўйган иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ҳўсусида хабардор этилиб туришлари керак. Студентлар ва хоҳловчиларнинг ҳаммаси ана шу марказларга келиб, ўзларини қизқиртуви ҳар қандай саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Педагоглар билан студентлар ўртасидаги муносабатлар ўзaro ишонч ва ҳурмат асосида қурилиши кераклиги қайда этиб ўтилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов, Тошкент область партия Комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани Раиси Ш. Р. Мирсанов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Фуломов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТЕЛЕПРОГРАММА

Душанба

9 ОКТАБРЬ

← УЗТ

17.00 Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильмлар. 18.50 Бойчечак. 19.20 Ҳамза номлидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 20.00 Ахборот. 20.20 Ҳаётбахш. Тошкент область Бенобод райони. ҚҚАССР ва Хоразм областлари тақрибаси мисолида сувга ҳақ тўлашни жорий этиш ҳақида. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Ҳаёт қўвончлари ва ташвишлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Ўзбекистон. Киножурнал. 19.45 Уй-жой — 2000. 20.15 Бўғдойзорлар оралиб. Бадий фильм. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Шарқ юлдазлари М. Воҳидов.

← МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Бадий фильм. 1-серия. 10.50 Футбол шарҳи. 11.20 Врач психотерапевт А. Кашлировскийнинг селоматлик севанслари. 11.20 Ҳайвонот оламиди. 16.05 Овоз. Фильм-концерт. 16.45 Ҳужжатли фильм. 17.10 Т. Хренников. Ля минор торли квартети. 17.20 Тарих ва замон. 18.05 Бола-

лар соати. 19.05 Печорин журнал саҳифалари. Спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Бадий фильм. 1-серия. 23.20 Футбол шарҳи. 23.50 Дунё воқеалари. 00.05 Ҳужжатли фильм.

← МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.20 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Адабиёт. 10.05 Италия тили. 11.05 Рус тили. 11.35, 12.40 Адабиёт. 12.05 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 13.10 Гаройиб бола. Бадий фильм. 14.40 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Варваранинг қуни. Бадий фильм. 18.45 От спорти. 19.30 Америкалик конгрессменлар СССРдаги қайта қуриш ҳақида. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Ормала — 90». 22.15 Ҳужжатли фильм. 22.45 Тонгги почта. 23.15 Янгиликлар.

Сешанба

10 ОКТАБРЬ

← УЗТ

11.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўзбек тили. 13.00 Сергей Лазо. Бадий фильм. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Ҳукуватчи экран. 18.00 Янгилик-

лар. 18.15 Мультфильм. 18.35 Биллард. Осие кубоги. 19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.25 Қайта қуриш. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.55 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб дамлар қадр. 22.45 Драматик актёрлар кўйилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Антрақит. Бадий фильм. 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Соғлар чошгоҳда йўқолади. Бадий фильм. 1-серия.

← МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Бадий фильм. 2-серия. 10.40 Маскарад. Фильм-балет. 11.45 Болалар соати. 12.45 Бу бўлган... бўлганда. 16.05 Концерт. 16.30 Ҳужжатли фильм. 17.00 Мультфильмлар. 17.30 Хор плюс биз, 18.15 Ҳужжатли фильм. 19.05 Дунё воқеалари. 19.20 Маскарад. Фильм-балет. 20.25 Сени севман ҳаёт. Фотоконкурс. 20.30 Актуал интервью. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Бадий фильм. 2-серия. 23.20 Дунё воқеалари. 23.35 Шайтон ғилдираги. Музикали илова.

← МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Ойлавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05, 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Биология. 11.55 Ҳужжатли фильм. 12.05 Янгиликлар. 12.55 Илмий-оммабоп фильм. 13.10 Китлар кетганда. Бадий фильм. 14.30 Ритмик гимнастика. 15.00 Шорилар Лермонтов ҳақида. 17.15 Янгиликлар. 17.25 Телефильмлар. 18.45 Фильм-концерт. 19.35 Кадрда ретүшис. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Чоршанба

11 ОКТАБРЬ

← УЗТ

17.00 Ҳужжатли фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильмлар. 18.45 Товарлар — халққа. 19.15 Гулистон журнали, редакцияси — меҳномимиз. 20.00 Ахборот. 20.20 Давлат манфати. 20.40 Деҳқонимнинг менинг. Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Ватан фарзандлари. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Болалар учун фильмлар. 20.35 «Тошкент» сту-

дияси кўрсатади. 21.05 «Пульс» инфомацион кўрсатади. 21.15 Телефильм. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 22.45 Соғлар чошгоҳда йўқолади. Бадий фильм. 2-серия.

← МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Хор плюс биз, 9.50 Агер бу севги бўлса-чи? Бадий фильм. 11.35 Камалак. 12.05 Савҳатчи раҳбар клуби. 16.05 Музикали ҳазина. 17.10 Халқ оҳанглари. 17.30 Импульс. 18.15 Дунё воқеалари. 18.30 Болалар соати. 19.30 Сарсузла антологияси. 20.30 Позиция. 21.30 «Время». 22.05 Актуал интервью. 22.15 Хоккей. СССР Чемпионати. «Крылья Советов» — МАСК. Танаффусда — Дунё воқеалари. 22.45 Чоршанба кўнлари бинафшалар ёки санъат ва пуллар.

← МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшўнослик. 10.05, 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Янгиликлар. 13.05 Фильм-концерт. 13.50 Ҳужжатли фильм. 14.10 Дзюдо кураши. Жаҳон чемпионати. 17.30 Концерт. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.05 Мен сизга эркилик бергани келдим. 18.55 Тенис. Халқаро турнир. 19.25 Мультфильмлар. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда (21.00) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

«Сизда қандай энелик бор?»

Н. МУҲИДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Жамгарма банки раисининг муовини:

18—19 ноябрда республикамизда янги бир лотерея тиражи ўтказилди. Ўзбекистон ССРда жамгарма ишлари ривожлантиришга қўмаклашадиган ушбу лотереялар айни кунларда жамгарма банки бўлиmlаридида со- тилмоқда.

Қиймати 50 тийин бўлган ана шу янги лотерея билетларининг 359 минги ютади. Ютуқларнинг умумий қиймати 2 миллион сўмдир. Лотерея тиражидида СССР жамгарма банкнинг 1000, 500 ва 250 сўм қийматга эга бўлган сертификатлар, 100, 50, 25 сўмлик 1982 йилги Давлат заемлари облигациялари ҳамда Ўзбекистон ССРнинг оддий пул-буям лотереясининг навбатдаги тиражи билетлари ўйналди. Ютуқ чиққан кишилар қимматбаҳо қозғалар ўрнига нақд пул олиши имконига ҳам эгадирлар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, лотереяни муомалага чиқаришда бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечикишлар туйғали унинг тиражи ўйини бироз сурияшти эҳтимолдан ҳоли эмас.

В. АБРАМОВ,

Байналмилал-ватанпарварлик би- рлашмаси директори:
— Бирлашмамиз Республи- ка касабе союзлари жамияти

ҳамда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министриги билан ҳамкорликда собиқ байналмилалчи-жангчиларга ва уларнинг онла аъзоларига мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида ўз саломатликларини тиклаб олишлари учун бепул йўлланмалар тақдир этмоқда. Санаторийда де- воланган вақтлари учун байналмилалчи-жангчиларга вақтинча меҳнатга яроқсизликла- ри ҳақида справка берилди.

Ушбу янглик билан қизик- қан ўртоқлар 56-75-18, 56-76-48 телефонлари орқали қу- шимча маълумот олишла- ри мумкин.

Л. ЕМЧЕНКО,

Чирчиқдаги «Гунча» ти- кувчилик фабрикаси бош инженери:

— Яқинда фабрикамиз Москвадаги тикув фабрикаси шартномасига асосан 75 та янги дастгоҳларни олди. Шулардан 26 таси чет эл- ларда ишлаб чиқарилган. Мазкур ускуналарни харид қилиш учун жами 151,8 минг сўм харajat қилинди. Улар ГФРнинг «ПФАФ» ҳамда Япониянинг «Брозер» фирма- ларида тайёрланган. Иккин- чи ҳамда учинчи цехларга ўрнатилган икки комплекси механизациялашган ушбу линияларда асосан ўсимирлар ҳамда мактаб ўқувчилари либослари тикилади. Бу ли- ниялар ишлаб чиқариш унумдорлигининг бир мунча ўсishi имконини беради.

• РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ •



ЖАҲОН ҒЎЗАЛЛАРИ—ЯПОНИЯДА

♦ **ЖАҲОН** аёллари ичида энг соҳибжамоли ким? 1989 йилдаги жаҳон маликасини аниқлаш мақсадида Япония- нинг Каназава шаҳрида ғўзаллик конкурси ўтказилди. Унда ўз мамлакатларида ўтган шундай тадбирларда го- либ чиққан 48 соҳибжамол иштирок этди.

Суратда: ғўзаллик конкурсида иштирок этган учув- турли мамлакатлардан Токиога келган жаҳон ғўзаллари.

ОСМОНДАГИ «САНТА-МАРИЯ»

♦ **ИСПАНИЯ** халқи шу кун- ларда Америка қитъаси кашф этилганининг 500 йиллигини кенг нишонлашга ҳаракат қила- япти. Бунинг учун турли тад- бирлар ўйлаб топилаяпти. Шу баҳонада ўз тадбиркорлигини кўз-кўз қилишга уринаётганлар ҳам талайгина. Ана шундай- лардан бири, америкалик мп-



лионер Малком Форбс мад- ридликларни чиндан ҳам қо- йил қолдира олди. У ташқи кўрнимшдан Колумбинг «Сан- та Мария» қаравелласига ўх- шаб кетадиган улкан ҳаво ша- рини осмонга учуриб, шуҳрат қозонди.

Суратда: «Санта Мария» нухсаси Мадрид осмониди.

ҲОСИЛМИСАН ҲОСИЛ...




♦ **КАЛИНИНГРАД** областидаги меҳмонхоналардан би- риди ишловчи Клавдия Алексеевна Зотова ўз боғида ўстир- ган помидор туллариинг бирдан исли қўрилмаган ҳо- сил олди. Бу тундан узилган энг кичик мева 400 грамм чиқди. Бошқалари 600—800 граммдан эди. Унингча по- мидор вази эса — оз эмас, кўп эмас 1 килограммига 840 грамм тош босди. Клавдия Алексеевна помидор гуллаёт- ган вақтидаёқ унинг анчайин йирик эканлигига эътибор берган эди. Ушандан бери бу тунга алоҳида диққат билан разм солиб юрди. Кўп ўтмай олинган ҳосил эндиликда ҳаммани ҳайратга солмоқда.

Суратда: 1 килограмм 840 граммли помидор. ТАСС суратлари.

УЧАР АВТОМОБИЛЬ


♦ **АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ** кўпчилиги сабабли, машинаинг йўлдаги тикилишда тўхтаб қо- лмаслиги учун нима қилиш ло- зим?

«Машинани ҳавога кўтариб, ҳаракати бирмунча сокинроқ йўлгача учиб бориш керак», — дейди ГФРнинг Франкфурт- Майн шаҳрида истиқомат қи- лувчи Пауль Меллер. Бу со- биқ авиаконструктор ўзининг



«ҳавога тик кўтарилувчи авто- мобиль» лойиҳаси устида бир неча йил ишлади. Унинг бу ор- зусига ҳамма кулиб, «комха- ёл Меллер» деб атаган бўл- сандар-да, ихтирочи сўзининг усталдан чиқди. У яратган «Со- лант-400» номили автомобиль- самолёт дастлабки синовлар- ден муваффақиятли ўтди. Тур- ган жойдан ҳавога тик кўта- рилган мазкур янги машина 10 метр баландликда 3 минут парвоз қилди. Аммо, Меллер шу билан қифояланиб қо- лмоқчи эмас. У парвоз масофа- сици 700 километрга етқа- зишни мўлжалламоқда.

«Нойе-Рур-Цайтунг» газета- сидан олинган ушбу суратда ихтирочи ўз машинасини на- мойиш этаётган пайт тасвир- ланган.



«Б» ҲАРФИ КРОССВОРД

БҒИЯГА: 1. Қумда қовуриб тайёрланган жүҳори оват. 2. Сувсарлар оиласига мансуб ноёб иртқич. 3. Ўзбекистондаги энг қадимий шаҳарлардан бири. 4. Француз кимёгари ва жа- моат арбоби, тердохимия асосчиларидан бири. 5. Езувчи Дада- хон Нурий қиссаси. 6. Қишлоқ хўжалик қуроли. 7. Ноз-неъ- мат мўлғили. 8. Колумбия пойтахти. 9. Зийнат буюми, тақин- чоқ. 10. Узум нами.

БҒЛАР БҒИЯЧА: 11. Ер қаъридан чиқувчи сув манбаи. 12. Бутуннинг бир қисми, парча. 13. Симтўрда сакрач билан ба- жариладиган спорт турри. 14. Шарқ халқларининг улуғ шо- ири, «Комде ва Мудан» достони муаллифи. 15. Бирор ташки- лотга аъзоланин тасдиқловчи ҳужжат. 16. Юза бирлигига тў- ри келадиган куч. 17. Африкадаги давлат пойтахти. 18. Бу- дойнинг дон ҳосил бўладиган қисми. 19. Ўзбек классик шо- ири ва олимки. 20. Фазода ҳосил бўладиган суа томчилари. 21. Шиша саноати, эмаллар тайёрлаш ва медицинада ишла- тиладиган кислота. 22. Кўкрак билан сузиш. 23. Дурадгорлик асбоби. 24. Кечпишар қуруқ мева. 25. Фасл.

Тузувчи **Ф. ОРИПОВ.**

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА


Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш муддати 1 ойга узайтирилиб, 31 ок- тябрда давом этадиган бўлди. Келас йил ҳам «Тош- кент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни иста- сангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бу- нинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингизда- ги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мувожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келас йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишди.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган шикдорда қабул қилинади.

Газетанинг **ОБУНА БАҲОСИ** бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

ОСИЁ КУБОГИ УЧУН

♦ **МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛА- РИ»** спорт саройида бильярд бўйича оқиб Осие кубоги ўйинлари ўтказилмоқда. Ун- да мамлакатимизнинг 35 куч- ли бильярдчилари иштирок этишпти. Ҳозир улар 8 кн- чик гуруҳлага бўлиниб, уларо баҳс юргизишмоқда. Ана шу гуруҳларда 1 ва 2-ўрин- ларни эгаллаганлар совинг учун олимпиа системаси бў-



Муҳаррир **Н. НАСИМОВ.**

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. **ТЕЛЕФОНЛАР:** 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва ошмавий ишлар бўлини.